

# **Вилоят ҳокимиининг топшириғидан**

## **сүнг**



Ушбу ииғилишда, ҳафтанинг ҳар бир куни пробация ва профилактик ҳисобда турувчи, мунтазам равишда спиртли ичимликка ружу қўйган, ёшлар, шунингдек, хотин-қизлар ва бошқа жиноятчиликка мойил бўлган шахслар билан учрашувлар ташкил этилиб, уларнинг муаммолари тинглаш ҳамда асл ҳолатга ойдинлик киритиш белгиланганди.

Мазкур топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида бугун, 15 май куни туман ИИБ бошлиғи Ў.Шукуров ҳамда ИИБ ЖХХ пробация гуруҳи катта инспектори А.Жўраевлар иштирокида пробация ҳисобда турган 68 нафар шахслар билан учрашув ташкил этилди ва уларнинг муаммолари тингланди ҳамда бартараф этиш чоралари кўрилди. Уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди ва 4 нафар шахсларга йўлланма берилиб, 2 нафари ишга жойлаштирилди.